



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ
“КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГ” ФАКУЛЬТЕТИ
IV-БОСҚИЧ ИАТ-41 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ**

Кандахаров Тимурмаликнинг

“АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ” ФАНИДАН

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Миллий банк мижозларини кредитлаш.

Текширди:

Ҳ. Эгамбердиев

Бажарди:

Т.Кандахаров

Қарши-2015

Мавзу: Миллий банк мижозларини кредитлаш.

1.КИРИШ.

2.Асосий қисм.

I. Миллий банк мижозларини кредитлаш тартиби

II. Мазкур Тартибда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

III.Умумий қоидалар.

3.Амалий қисм.

I. Миллий банк мижозларини кредитлаш.

II. Миллий банк мижозларини кредитлаш. лойихалаштириш

4.Хулоса.

5.Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мустақиллик йилларида Информатика ва ахборот технологиялари ривожига катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Амалда мавжуд ахборотларни инсоният махсус технология воситасиз қайта ишлаш имкониятга эга эмас. Мутахассисларни фикрича ҳозир ҳар беш йилда мавжуд ахборот тахминан икки маротаба ортиб бормоқда.

Шу сабабли УзР ФТДК ташаббуси билан ахборотлаштириш жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ахборотлаштириш ҳақида (1993 йил, май), ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий муҳофазалаш ҳақидаги (1994 йил, май) қонунлар шулар жумласидандир. УзР ФТДК Ахборотлаштириш ҳақида Қонуннинг қоидаларини бажара бориб, 1994 йил декабрида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепциясини маъқуллади. 2001- йил 23 -майда Вазирлар Маҳкамасининг «2001—2005 - йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 - йил 30 – майдаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони ва

уни бажарилишини таъминлаш йўлида Вазирлар Маҳкамасининг 2002- йил 6- июндаги 200 –сонли қарорида «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури» қабул қилинган. Ҳозирги кунда ахборот технологияси жамиятнинг жадал ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омилдир.

Ахборот технологияси инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган бўлсада, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хом ашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан устунлик қилмоқда, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Ахборот технологиялари индустрияси мажмуини компьютер, алоқа тизими, маълумотлар омбори, билимлар омбори ва у билан боғлиқ фаолият соҳалари ташкил қилади.

Ахборот технологиялари соҳасида бевосита ишламайдиган одамлар ҳам кундалик ишларида унинг имкониятларидан фойдаланади. Ахборот технологиялари турмушнинг барча соҳаларига борган сари кўпроқ сингиб бориб, унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Асосий қисм

I Миллий банк мижозларини кредитлаш ТАРТИБИ

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Марказий банкнинг кредитлаш бўйича меъёрий ҳужжатлари ҳамда Миллий банки»нинг Устави ҳамда Кредит сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у банк томонидан мижозларга кредит ажратиш тартибини белгилайди.

Кредитлаш бўйича ушбу қўлланмага мувофиқ ишни ташкил қилиш Миллий банкининг барча филиаллари ва таркибий тузилмалари учун мажбурийдир. Тартибда кўзда тутилган қоидалар фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартномаларда келишилган тақдирдагина банк мижозлари учун мажбурий бўлиши мумкин.

Банк мижозларни кредитлашда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ҳамда қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Марказий банкнинг кредитлаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларига риоя қилиниши шарт.

Банк ва мижоз ўртасидаги кредитлаш муносабатлари ўзаро ишонч, ҳурмат, тенг манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш тамойиллари асосида ташкил қилинади.

Ахборот тизимларини лойихалаш учун:

- математик методлар ҳамда ҳисоблаш техникаси воситаларини кўллаш асосида лойихалашни такомиллаштириш;
- излаш, ишлов бериш ва маълумотни чиқариш жараёнларини автоматлаштириш;
- оптималлаштириш ва кўп вариантли лойихалаш методларидан фойдаланиш;
- лойихаланаётган объектлар, буюмлар ва материалларнинг математик моделларини самарали кўллаш;
- объектларни автоматлаштирилган лойихалаш учун зарур бўлган, маълумотнома тавсифидаги тизимлаштирилган маълумотларга эга маълумотлар банкни яратиш;
- лойиха ҳужжатларини шакллантириш (расмийлаштириш) сифатини ошириш;
- ижодий бўлмаган ишларни автоматлаштириш ҳисобига лойихаловчилар меҳнатининг ижодий улушини ошириш;
- лойихалаш методларини унификациялаш ва стандартлаштириш;

АТЛ соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- лойихаловчи бўлимларнинг турли даражадаги ҳамда вазифаси ҳар хил бўлган автоматлаштирилган тизимлар билан мустаҳкам алоқада ишлаши зарур.

Фактографик АТ-Сонли ва матнли курунишдаги ахборотлар бўлиб, бундай ахборотлар устида турли операцияларни бажариш мумкин.

Хужжатли АТ- маълумотлар фақат матнли ва реферат кўрунишда акс этадиган ахборотларлардир.

Ахборот тизимларида бошқарув тузилмасининг ўрни.

Ахборот тизими жамият ва ҳар бир ташкилот учун қуйидагиларни бажариши лозим:

1. Ахборот тизимининг тузилмаси ва унинг қўлланилиш мақсади, жамият ва корхона олдида турган вазифа билан тўғри келиши керак. Масалан; тижорат фирмасида – фойдали бизнес, давлат корхонасида ижтимоий ва сиёсий вазифаларни бажариши керак.
2. Ахборот тизими инсон томонидан бошқарилиши ва ижтимоий этика принциплари асосида фойда келтириши керак.
3. Тўғри, кафолатли ва ўз вақтида ахборотларни миждоз ёки тизимларга етказиши лозим.

II. Мазкур Тартибда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

банк - Очиқ акциядорлик-тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк» ва унинг филиаллари;

миждоз - банк филиалларида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очган юридик шахс мақомига эга бўлган ва юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахслар;

қарздор - банк билан кредит (лизинг, факторинг) шартномаси тузиб, нақд ёки нақдсиз шаклда пул маблағларини олган банк миждози;

кредит кўмитаси - Бош банкда доимий фаолият кўрсатувчи коллегиял ишчи гуруҳ;

кредит комиссияси – банк филиалларида доимий фаолият кўрсатувчи коллегиял ишчи гуруҳ;

кредит – банк томонидан шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағларини берилиши, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олиши;

лизинг - лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) (банк) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (сотувчи) учинчи тараф билан ундан кредит маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш мажбуриятини олиши, лизинг олувчи эса лизинг тўловларини шартномада келишилган тартибда тўлаб бериш мажбуриятини олиши;

факторинг - етказиб берувчилар (мижоз) улар томонидан банк-молия агентига тўловчилардан (тўловчи) жўнатилган товарлар (иш, хизматлар) учун улар томонидан акцептланган, лекин ҳали тўланмаган тўлов талабномалари бўйича пул тўловини олиш ҳуқуқини ўтиб бериш эвазига, регресс ҳуқуқисиз, молиялаштириш борасидаги банк хизмати тури;

микрокредит – кредит олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган миқдорда тўловлилик, муддатлилик, мақсадлилик, таъминланганлик ва қайтаришлилик шартлари асосида бериладиган пул маблағлари;

микролизинг – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада бериладиган лизинг;

қисқа муддатли кредит – шартнома асосда 12 ойгача муддатга бериладиган кредит;

узоқ муддатли кредит – шартнома асосда 12 ойдан ортиқ муддатга бериладиган кредит;

инвестиция лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар мажмуаси;

муддати ўтган кредит - қарздор томонидан кредит шартномасида кўзда тутилган тўлаш шартлари ва жадвали (графики) бузилиши (кечиктирилиши), асосий қарзни тўлаш муддати етиб келганидан сўнг тўланмаган кредитлар;

муддати узайтирилган кредитлар - кредитнинг шартномада кўрсатилган сўндирилиш муддати узайтирилган кредитлар;

КАМИ - тижорат банкларининг кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш тартибини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти;

БКБ - Банкларо кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида ахборот айирбошлаш, шунингдек потенциал қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотларни тижорат банклари, бошқа кредит ташкилотлари ва қарздорларнинг ўзларига тақдим этиш тартибини белгиловчи ташкилот;

бизнес-режа – қарз олувчи томонидан банк кредити ёрдамида маълум лойиҳани амалга оширишни иқтисодий жиҳатдан батафсил асослантирувчи ҳужжат;

ТИА (техник иқтисодий асослаш) – инвестиция лойиҳасини қарз олувчи томонидан банк кредити ёрдамида амалга оширишни иқтисодий жиҳатдан батафсил асослантирувчи ҳужжат;

кредит тарихи - тижорат банклари билан олдин тузилган кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини тавсифловчи, қарздор тўғрисидаги, шунингдек, тижорат банкларидан олинган кредитларнинг сони, суммаси ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ахборот;

кредит ҳисоботи - тижорат банклари, бошқа кредит ташкилотлари ёки қарздорнинг сўрови бўйича БКБ томонидан тақдим этиладиган қарз олувчининг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар.

кредит хатари – кредит (лизинг, факторинг) шартномалари бўйича қарздор томонидан мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажара олмаслик оқибатида кредитнинг қайтара олмаслик эҳтимоли;

кредит мониторинги – банк томонидан ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши, кредит олиш учун тақдим қилинган бизнес-режа (ТИА) кўрсаткичларига эрилишининг, унга доир ҳужжатлар асосида ўрганиб борилиши ҳамда кредит таъминотининг аҳволини ўрганиб борилиши;

масофавий мониторинг - банк томонидан қарздорнинг ҳисобварағидаги пул маблағлари ва тузаётган шартномалари ҳамда банкда айланаётган бошқа ҳужжатлари ҳамда ҳисоботлари орқали кредитнинг мақсадли ишлатилишини жойига бормаган ҳолда мониторинг қилиб бориш;

анкета-саволнома – миждоз томонидан кредит олиш учун ўзи тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун банк томонидан белгиланган шаклдаги маълумотнома;

кредитларни (активларни) таснифлаш – кредит портфели таҳлили жараёнида белгиланган тартибда “яхши”, “стандарт”, “субстандарт”, “шубҳали кредитлар” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар;

реструктуризация қилинган кредитлар (активлар) - қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши сабабли ёки тўловнинг дастлабки шартлари ўзгарган тақдирда яъни, қуйидаги амалларнинг ҳеч бўлмаганда бири бажарилиши: фоиз ставкаси камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизлар ундирилмаслиги, асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларнинг камайтирилиши ёки воз кечилиши, тўлаш муддатининг кечиктирилиши ёки узайтирилиши, кредитлашнинг умумий қоидаларидан фарқли равишда қарздорга нисбатан мумкин бўлган бошқа ён беришлар;

кредитлар (активлар) бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираси - банк кредит портфели (ёки активлари) ва балансдан ташқари ҳисобварақдаги мажбуриятларда юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд барча зарарларни қоплаш учун ташкил этиладиган алоҳида контрактив ҳисобварақда ҳисобга олинадиган захира;

ўстирилмайдиган кредитлар (активлар) - белгиланган тартибда фоизлар ҳисобланиши тўхтатилмайдиган кредитлар (активлар);

яхши таъминланган кредитлар - асосий кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ қоплаш имкониятини берадиган, банкнинг сўмда ёки эркин айирбошланадиган депозитлари кўринишдаги ёки юқори ликвидли қимматли қоғозлар гарови билан таъминланган кредитлар;

қисман таъминланган кредитлар - яхши таъминланган кредитлар мезонига мувофиқ келмайдиган, кредит таъминоти қарз суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ қоплашига шубҳа қилинаётган кредитлар;

таъминланмаган кредитлар – таъминоти белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ёки айрим сабабларга кўра таъминотнинг аҳволи

ёмонлашган, шунингдек таъминот тариқасида кафиллик берувчи ташкилотларни молиявий аҳволи ёмонлашган кредитлар;

кафиллик – учинчи шахс, яъни юридик ёки жисноий шахснинг банкнинг (кредитор) олдидаги бошқа шахснинг кредит шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлари бўйича тўла ёки қисман жавобгар бўлиш мажбуриятини қабул қилиши;

кафолат – банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципиал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципиалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципиалга ёзма мажбурият бериши;

тикланиш жараёнидаги кредитлар - банк ҳаракатлари натижасида судда кўриб чиқилиши ҳисобга олинган ҳолда кредитнинг тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мўлжалланаётган ёки кредит тўлови тикланган ва кредит шартномасида кўрсатилгандек, жадвал асосида 90 кун мобайнида қайтарилаётган кредитлар;

суд жараёнидаги кредитлар - қарздор томонидан ўз муддатида қайтарилмаган кредитларни ундириш юзасидан судда даъво кўзғатилган, судда кўрилаётган ҳамда суд қарори ижро босқичидаги кредитлар;

муаммоли активлар – “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ҳамда суд жараёнидаги активлар;

истеъмол кредити - жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредит;

таълим кредити - Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабаларнинг ўқиши учун ажратиладиган кредитлар;

халқаро ва хорижий кредит линиялари - халқаро ва хорижий молия институтлари билан тузилган шартномалар асосида жалб қилинган грантлар, инвестициялар ва кредитлар ҳисобига бериладиган кредитлар;

LIBOR ставкаси – халқаро молия бозорида умум тан олинган молиявий ресурснинг қиймат индикатори бўлиб (London Interbank Offered Rate, LIBOR) банклараро депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси.

тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) - белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

микрофирма - банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида йигирма кишидан; хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида ўн кишидан; улгуржи ва чакана ҳамда савдо умумий овқатланиш тармоқларида беш кишидан ошмайдиган корхона;

кичик корхона - банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони:

енгил ва озиқ-овқат саноатида, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида юз кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида эллик кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида йигирма беш кишидан ошмайдиган корхона;

юридик шахс - ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкый ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

юридик шахсни қайта ташкил этиш - юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши;

деҳқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги;

фермер хўжалиги - юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;

кўчмас мулк – бино, иншоат, уй-жой ва ер участкаси;

бюджетдан ташқари жамғармалар - Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда АТ "Микрокредитбанк"нинг имтиёзли кредит ресурслари;

бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси - бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес субъектларини мақсадли асосда кредитлаш учун банкга, уларнинг балансида унинг суммасини акс эттирган ҳолда, ажратиладиган маблағлар;

мақсадли маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли асосда берилган маблағлари, шу жумладан, банкнинг устав капиталини шакллантириш учун улар томонидан ажратилган маблағлар;

синдициялаштирилган кредит - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш.

бозор - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда ва белгиланган қоидалар бўйича савдо фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, белгиланган тартибда ана шундай мақом олган доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган мулкый комплекс;

улгуржи савдо - тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш;

чакана савдо - савдо соҳасида яқуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш;

турғун чакана савдо шохобчаси - жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарори билан ажратилган ер участкаларидаги Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси органларида белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилган, санитария ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва талабларига жавоб берадиган, савдо залига, савдо асбоб-анжомларига ҳамда товарларни сақлаш, сортларга ажратиш ва қадоқлаш учун хоналарга эга бўлган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган объект (бино, иншоот).

банк пластик карточкаси - унинг эгасига банк ҳисобварағи бўйича операцияларни, шу жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш ва ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи электрон тўлов воситаси;

III. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Кредит (лизинг, факторинг) банкда асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига эга бўлган мижозга унинг ёзма аризасига (буюртмасига) кўра шартнома асосида ва кредитлашнинг умумий принципларига риоя қилган ҳолда ажратилади.

Молиявий барқарор, ижобий кредит тарихига ва доимий пул оқимларига эга бўлган, шунингдек импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда янги ишчи ўринларини яратишга қаратилган лойиҳаларни банкдаги иккиламчи ҳисобварағи орқали кредитлаш фақат Бош банк Кредит Қўмитаси қарори (рухсати) асосида амалга оширилиши мумкин.

1.2. Банк томонидан кредитлар қайтаришлилик (кредитни қайтариш мажбурияти билан), муддатлилик (маълум бир муддатга), тўловлилик (олинган кредитга белгиланган фоиз тўловларини тўлаш асосида), таъминланганлик (сўралаётган кредит маблағларга

таъминот тақдим қилиш асосида) ва мақсадлилиқ (бизнес-режага асосан) шартлари асосида ажратилади.

1.3. Кредитлар кредит шартномаларга асосан амалдаги қоидаларга мувофиқ келишилган тартибда нақд ёки нақдсиз пул шаклида ажратилиши мумкин.

1.4. Фойдаланиш муддатига кўра кредитлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

1.5. Яхши кредит тарихига эга бўлган ва кредитни қайтарилишига шубҳа туғдирмайдиган хўжалиқ юритувчи субъектларга банк ўз таваккалчилиги асосида ишончли кредитлар ажратиши мумкин. Ишончли кредитларнинг сўндириш муддатлари қайта кўриб чиқилмайди.

1.6. Банк томонидан қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда тадбиркорлик субъектларига алоҳида шартномалар асосида кетма-кетликда икки ва ундан ортиқ кредитлар ажратилиши мумкин;

- бюджетдан ташқари Жамғармалар маблағлари ҳисобидан дастлабки сармояни шакллантириш учун ажратилган кредитларга қўшимча равишда қарздорнинг асосий фаолият тури бўйича белгиланган тартибда ишлба чиқилган лойиҳаси юзасидан;

- қарздор корхонанинг бир маромда фаолият юритиши учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш ёки аввал берилган кредитлар ҳисобига ташкил қилинган лойиҳага ўзгартириш киритилиши, кенгайтирилиши ёки бошқа шаклда ривожлантирилиши зарурияти юзага келганда;

- қарздор томонидан аввал берилган кредитнинг қайтарилишига хатар солмайдиган янги ташкил қилаётган лойиҳаси юзасидан.

Бунда, банк томонидан аввал ажратилган кредитлар бўйича шартномавий мажбуриятларини бузган қарздорларга мажбуриятлар

базарилгунга қадар кейинги шартнома асосида кредит ажратилиши мумкин эмас.

Жисмоний шахсларга аввал олинган кредитни сўндирмай туриб иккинчи кредит ажратилишига йўл қўйилмайди. Кредит мажбуриятининг асосий қисмини базарган жисмоний шахсларга қарздорликнинг қолган қисмини базариши учун мажбурият банк учун мақбул услубда таъминланган тақдирда банк томонидан бундай жисмоний шахсга кейинги кредит ажратилиши мумкин.

1.7. Қуйидаги ҳолларда мижозга кредит бериш таъқиқланади:

- агар мижоз давлат бошқаруви органи ва бюджет ташкилоти ҳисобланса;

- тадбиркорлик субъекти бўлмаган нотижират ташкилотларга (матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, муссасалар, юридик шахслар бирлашмалари, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига);

- банкротлик аломатларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларга;

- зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига;

- банкдан аввал кредит олиб кредит шартномасидан келиб чиққан мажбуриятларини қўпол тартибда бузган тадбиркорлик субъектларига шу жумладан, қайтариш муддати етиб келмаган амалдаги кредит шартномалари бўйича;

- аввал олинган кредитларни сўндириши мақсадлари учун.

1.8. Қуйидаги ҳолларда мижозга кредит бериш тавсия қилинмайди:

- махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тури бўйича шундай рухсатномага эга бўлмаган ҳолда фаолият ташкил қилиб унга боғлиқ харажатларни кредит маблағи ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган лойиҳаларни;

- салбий кредит тарихига эгаллиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, яъни аввал банк ёки бошқа кредит муассасаларидан

кредит олиб улар юзасидан кредит шартномасини бузган бўлса, унга алоқадор юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик ёки истеъмол кредит бўйича бошқа банклар олдида муддати ўтган қарзлари мавжуд бўлса, аввал раҳбарлик қилган корхонаси у раҳбарлик қилган даврда молиявий инқирозга ёки банкротликка учраган бўлса, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса;

- тақдим этилган лойиҳа иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи қопламайдиган бўлса, жумладан, даромад ва харажатлар кўрсаткичларининг номутаносиблиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг, кредитни сўндиришнинг аниқ ва реал манбалари асослангилмаган бўлса, ишлаб чиқарилиши мўлжаланилаётган маҳсулотга бозордаги мавжуд талаб ва таклиф атрофлича ўрганилмаган бўлса;

- тақдим этилган лойиҳага махсус иқтисодий, техникавий билимларга, кўникмаларга ва тажрибага эга бўлган мутахассислар ёлланиши (иштирок этиши) керак бўлсада, ушбу мезон лойиҳада кўзда тутилмаган бўлса;

- таваккалчилиги юқори бўлган битимлар асосида (масалан, маҳсулот (иш, хизматни) етказиб бериш сотиб олиш бўйича тузилган шартномаларда мажбуриятни таъминлаш услублари йўқлиги) ёки фаолият тури (масалан, сақланиш муддати қисқа ёки тез бузилувчан маҳсулотлар билан ишлаш) етарли тажрибага эга бўлмасдан шуғулланиш кўзда тутилаётган бўлса;

- мазкур турдаги битимлар тузиш бўйича кредит олувчининг қонунчилик ёки таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли Бошқарув идоралари қарорлари бўлиши керак бўлган ҳолларда, улар мавжуд бўлмаса;

- лойиҳада нақд пулда хизмат кўрсатиш назарда тутилган ҳолларда мижознинг бундай хизмат кўрсатиш шартларига қонунчиликда белгиланган тартибда тайёр эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;

- мижоз тақдим қилган ҳужжатлар ва ҳисоботларининг ҳаққонийлигига шубҳа туғдирувчи маълумотлар мавжуд бўлса.

1.9. Банк мижоз томонидан тақдим этилган кредит буюртмаларини кўриб чиқишда мижоз фаолиятини ўрганиш учун кредитлаш бўйича амалдаги умуммажбурий меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Қолган барча маълумотлар банк томонидан банкка мумкин бўлган воситалар орқали тўпланади. Бош банк ва филиалларда қарздорларга доир маълумотлар базаси шакллантирилиб, КАМИда рўйхатга олинади ва маълумотлар алмашиб борилади.

1.10. Миллий банк томонидан узоқ муддат даврида хизмат кўрсатиб келинган, ижобий кредит тарихига эга бўлган ҳамда замонавий технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек ижтимоий лойиҳалар ва рентабеллик даражаси паст бўлган соҳаларда фаолият юритувчи мижозларга кредитлар (лизинг ва факторинг) учун имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин..

Амалий қисм

Мавзу: Миллий банк мижозларини кредитлаш.

Мамлакатимизда Миллий банки ривожлантирилиши ахборот тизимлари ва техник таъминотини такомиллашувига аҳамиятли таъсир қилди.

Миллий банки АТни ривожлантиришда : Миллий банкини олдида турган ва мақсадларда шунингдек Корхонадаги активларни бошқариш амалиётида қабул қилинганларга мос ҳолда АТ буйича муоммаларга эришиш йуллари қарор қилишлар, уларни бошқариш ва назорати жараёнларини стандартлаштиришда фойдаланувчилар ва ишлаб чиқувчиларда тўла ҳамфикрликка эришиш муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.


Access дастурида маълумотлар базасини лойихалаш, яратиш.

Миллий банк мижозларини кредитлаш


номли маълумотлар базасини яратиб оламиз, ҳамда унинг компоненталарини киритамиз.

Код	Поле1
	1 5 йил
	2 30 йил
	3 40 йил
	4 20 йил
*	№



Таблицага маълумотларни киритиб оламиз.



Kredit miqdorini yozib olamiz



Маълумотлар объектларини бир-бир билан боғлаймиз.



MS Access объектларидан бири ҳисобланган формалар (формы) МБ маълумотларини акслантириш, киритишни қулайлаштириш, ўзгартириш ва бошқа мураккаб вазифаларни бошқариш учун форма

интерфейсини тақдим этади. Формаларни тузишнинг форма устаси (мастер форм) ёрдамида ҳар хил кўринишларини танлаш ёки конструктор режимида мустақил равишда яратиш имкониятини беради. Формалар қуйидаги кўринишларда яратилиши мумкин: маълумотларни киритиш учун форма; МБнинг формалари ва ҳисоботларини очиш учун тугмали форма; фойдаланувчи учун мулоқат ойналари формаси.

Предупреждение системы безопасности Запуск активного содержимого отключен. Щелкните для получения дополнительных сведений. Включить содержимое

Все объекты Access

Поиск...

Таблицы

- Копия "Кредит фоизи йиллик"
- Копия "ОАТБ «Қишлоқ қурил...
- Кредит кафолати
- Кредит микдори
- Кредит муддати
- Кредит турлари
- Кредит фоизи йиллик
- Кредит фоизи ойига
- Кредит фоизи йиллик
- ОАТБ «Қишлоқ қурилиш ба...

Копия "ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банки» мижозларини кредитлаш"

Код	Кредит турлари	Кредит микдори	Кред	Креј	Кредит кафолати	Кредит фои	Ш
	Таълим кредити	5000000	5 йил	0,09	Кафил 2-киши давлат	37500 сум	
*	(№)						

Хулоса

“Ахборот тизимларини лойиҳалаш” фанидан курс ишимни бажариш жараёнида Access дастурида маълумотлар базалари билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилдим , ҳамда Миллий банк фаолиятида кредит тизимини лойиҳалаштириш мавзуси бўйича кредит тизимини лойиҳалашни ва маълумотлар базасини яратишни ҳамда миждозлар тўғрисида маълумотларни излаш тартиби ҳақида кўникма ҳосил қилдим ва салондаги иш самарадорлигини оширишга бўлган бир канча талабларни кўшимча килиб киритиш имконияти пайдо бўлганда уни узгартириш ва янгилаш имконияти хисоблашлар жараёни оркали амалга ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гуломов С.С., ва бошқ. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент., «ШАРК», 2000.-591 б.
2. Информатика. Ахборот технологиялари. Уқув кулланма. ТГТУ 2-кисм. Информатика. 2003
3. Косимов С.С. Ахборот технологиялари. Уқув кулланма. Тошкент. Алоқачи.2006.-369

4. Интернет маълумотлар

5. <http://www.intuit.ru/department/se/devis/>
6. <http://www.management.com.ua/ims/ims031.html>

TATU Qarshi filiali KI fakulteti IAT-41 guruh talabasi Qandaxarov Temurmaliqning “Axborot tizimlarini loyihalash” fanidan Milliy banki mijozlarini kreditlash mavzusida yozgan kurs ishiga

T A Q R I Z

T.Qandaxarovning Milliy banki mijozlarini kreditlash mavzusida yozgan kurs ishi mavzusi bugungi kunda rivojlanib borayotgan maishiy sohasida kam qo'l urilgan mavzu hisoblanadi. Ushbu kurs ishi orqali Milliy bankini ma'lumotlar bazasini shakllantirildi. Bu ishning asosiy dolzarbliligi shundan iboratki, bu ma'lumotlar bazalari orqali biz yagona axborot tizimiga ega bo'lish kerakli ko'zda tutilgan.

Kurs ishining amaliy ahamiyati- bu foydalanuvchi uchun qulay bo'lib, o'zi istagan ma'lumotni izlash qulayligidadir. Mazkur kurs ishida bajarilgan ishdan bank rahbariyati va mijozlar tovarlar haqida to'liq ma'lumot olishi uchun mo'ljallangan.

Ishni ijobiy tomonlari- biz har bir ishni boshlashimizdan oldin uni loyihalashtirib olamiz. Bu bizga mablag'imiz va vaqtimizni tejash uchun qulay vosita hisoblanadi.

Shuningdek, kurs ishi ayrim kamchiliklaridan ham holi emas. Firma rahbariyati, ishchi xodimlari ko'p sonli bo'lganligi sababli ish oxiriga to'liq yetkazilmagan. Barcha ma'lumotlar to'liq shaklda kiritilmagan.

Kurs ish mavzusini dolzarbliligi, amaliy ahamiyati yuqoriligi va keltirib o'tilgan kamchiliklarni hisobga olib ishni “yaxshi” bahoga loyiq deb topish mumkin.

ATT kafedrasi katta o'qituvchisi

H. Egamberdiev